

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR**

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**SOCIAL
SCIENCES
IN UZBEKISTAN**

№ 4 / 2019

1960-yildan nashr etiladi. Bir yilda 4 soni chiqadi
Издается с 1960 г. Выходит 4 номера в год



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
«FAN» NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020

Н. Рахимов

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ЎРНИ

Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920-1924 йй.) ўзининг кеска фаолияти давомида ёш совет ҳокимияти тобелигига қарши, инкюри миаллий мустақилликка эришиш мақсадида тарихий ва-зиятта қараб қошқора, гоҳ пинҳона курашлар олиб боришганли-гини қатор архив манбалари орқали таҳлилий ўрганиш мумкин. Мазкур миллий-озодлик курашларида давлатчилик ва сиёсат майдонда алоҳида шахсларнинг ўрни борлигини эътироф этиш лозим. Бу зотларни бир сўз билан "Истиқлол фидойилари" деб аташ ўринлидир. Шу нуктага назардан ёш хиваликлар партияси раҳбарларидан бири Бобооҳун Салимов шахсининг ўрганилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихидаги ўрни масалалари-ни тадқиқ қилиш долзарбдир.

Бобооҳун Салимов (асл исми Муҳаммад) 1874 йили Гурлан бек-лиги (ҳозирги Хоразм вилояти Гурлан тумани) да қозикалон Са-лимухон оиласида дунёга келган. Унинг отаси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II даврида қозикалон бўлган, ўз маблагидан "Қозика-лон" мадрасасини қурдирган. Бобооҳун Хивадаги "Олмоқулихон" мадрасасида таҳсил олган. У араб, форс ва рус тилларини пухта ўз-лаштирган, назмда ижод қилган. 1910-1917 йилларда Хива хони Асфандиёрхон саройида отаси ўрнида шайхулислом (қозикалон) бўлиб хизмат қилган. 1916 йил у ёш хиваликларнинг раҳбарла-ридан бири сифатида Асфандиёрхон зулмига қарши кўзғолон кўтарган, деҳқонлар фаолиятининг ғоявий раҳнамоси бўлган. Бобооҳун Салимов хон хўзурда мамлакатни бошқариш учун ёш хиваликлардан тuzилган парламент мажлисининг раиси (1917 й. 8 апрел-23 май) 1918-1919 йилларда Тўртқўлда яшаб, хонликка муқофилатда бўлган ва большевикларга ақинлашган.

Бобооҳун Салимов ХХСР тuzилгач, Адлия ноziри (1920-1921, 1924) лавозимида ишлаган. Шуниингдек, Олий инкилаб суди ва хар-бий трибунал раиси бўлган. РСФСР билан шартнома тuzиш учун Москвага юборилган делегацияга раҳбарлик қилди (1920 йил июль-сентябрь). Хоразм Республикасининг Афғонистондаги бош консули (1921 йил ноябрь, 1922 йил февраль) лавозимида ишла-ган. У Хоразм халқ маорифи мактаблари учун ёзилган «Алқифбе» ва «Ўқиб китобининг муаллифидир. 1924 йил Хоразм уламолари биринчи қурултойининг тақрирлиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилган. У совет режими та қарши дидил фикрлар айта олган. Шу сабабдан 1925 йилдан бошлаб, у давлат ишларидан четлатилган.

Бобооҳун Салимов 1929 йил 10 май кечқурун ўз уйида совет маъ-мурулари томонидан отиб ташланган. (Бобооҳун Салимов ўлдир-лиши масаласига мақоланинг охирида алоҳида тўхталамиз).

Қаҳрамонимизнинг шахси ва ХХСР учун қилган хизматлари со-вет¹ ва мустақиллик² даври тадқиқотларида тўлиқ очиб берилма-ган. Бунга Совет даври тадқиқотларида яратилган тарихий да-биётларда коммунистик мафкура таъсирининг кучлиги сабаб бўлган. Мустақилликдан кейинги тадқиқотларда Бобооҳун Сали-мов шахси, унинг фаолияти ва бадилитига оид ҳужжатлар, манба-лар тарқоқлиги, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилма-ганлигини кўришимиз мумкин.

1915-1916 йиллар воқеалари, хонлик бошқарувидати келиш-мовчиликлар, туркманлар талончилиги, 1916 йил январь-фев-раль ойларидати Хива кўзғолони хақида ўз "Хотиралар"ида тўх-талган Полвоиниёз хожи Юсупов: «Фақир уч кун Нуруллабой мадрасасида пинҳон бўлиб турдим», деб ёзди. Бу даврда хонга муқолифат сифатида Бобооҳун Салимов раҳбарлигидаги инки-лобий ёшлар қатта рол ўйнай бошлаган. Унинг дунёвий билим-ларни чуқур эгаллаганлиги, араб, форс ва айниқса рус тилини яқши билганлиги тўфайли атрофидати илгор ёшлар билан бирга ХХСРнинг тенг ҳуқуқли давлат бўлиши учун курашди. Бобооҳун Салимов Россиядаги воқеалардан (октябрь тўнтарыши) усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Ўзбек халқи эрки, манфа-атлари учун большевиктик партия вакиллари билан муроса си-ёсатини юритди. Бобооҳун Салимовнинг ўзбек халқи эрки учун, унинг хурлиги учун вааятдан келиб чиқиб ҳаракат қилгани эмас, балки коммунистик мафкурага хайрихоҳлиги айрим адаби-ётларда бўрттирилганлиги, унинг шахси ва фаолиятининг ўра-нилишини орқага суриб қелди.

Таниқли тарихчи Қ.Фозилхўжаев Бобооҳун Салимов хақида: «У хонлик тuzумига нафрат билан қаради ва бу тuzумнинг инкиро-зини тезлаштириш учун курашди. Халқимизнинг шонли фарзанди Бобооҳун Салимов Россиядаги ва бутун дунёдаги революцион ха-

1 Туркстон маҳкатишларининг В. И. Ленинга хатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1964, 138-бет. Очерки истории Нарчаланганистан. – Т., «Фан», 1964, 344-бет. Ўзбекистонда инкимоий фалчир. 1968, 2-сон, 73-74-бетлар. Общественикче нарми в Узбекистане, 1968, № 2, с. 74; Дравад, 1968, 21 апрели, Владимир Ильич Ленин. Биографическая хроника, т. 9, с. 269-270; Урта Осиё коммунистик ташиқотларининг тарихи. – Т., «Ўзбекистон», 1969, 3-бет; Садыков А. С. Россия и Хива в конце XIX начале XX века. – Т., изд-во «Фан», 1972, 75-бет; История Хорезмской Народной Советской Рес-публики. Сб. док. «Фан», 1976, 92-бет; Ўзбекистон ССР тарихи, III том, – Т., «Фан», 1978, 259-бет; Бобооҳун Ҳошимов хатираларидан. Унинг хатлариди 1978 йили магнитофон лентасига ёзиб олинган; Революций приравнение, «Ўзбекистон», 1987.

2 Полвоиниёз хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи / Мазкур муқаррор ва сўз боши муқо-лиф профессор Магшиёзо И. Ураги, «Хоразм», 2000; Ўзбекистоннинг яши тарихи. К.2. – Т., 2000; Ҳудодов И., Ўзбекистоннинг ХХ асрдаги давлат ва сиёсат эрбоблари. – Т., «Зарнама», 2006; Қошқонов О., Полвоинов Н. Хоразмдаги инкимоий-омесий жарядилар ва ҳаракатлар [XX аср инкимоий яриш – XX аср биринчи чораги]. – Т., 2007.

ракатнинг улкан намоёндалари билан ҳамнафас бўлди. В.И. Ленин, М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Г.В.Чичерин, Л.М.Коряханлар билан учрашди. Бобооҳун Салимов ўзбек халқининг революционер Россияга билан биродарларча дўстлиги пойдеворига биринчи пиштани қўйган давлат арбобларидан биридир. У 1920 йилнинг 13 сентябр кунин РСФСР билан ХХСР ўртасида тузилган шартномага имзо чеқди. Бобооҳун Салимов III Коммунистик Интернационалнинг II Конгресси минбери билан сўзлаган Совет Шарқи, жумладан ўзбекистондан ягона вакилидир.¹

Мустақилликдан кейинги давр тадқиқотларида Ёш хиваликлар фаолиятини ўрганиш, Хоразмдаги иктимоний-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларни тадқиқ қилишда ҳолислик, аниқлик алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда Марказий давлат архиви ҳужжатларининг ўрнини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу тадқиқотларда² ва яратилган адабиётларда³ Бобооҳун Салимов шахсини очиб беришга ҳаракат қилинади.

Бобооҳун Салимовнинг дипломатик салоҳияти ҳақида Полвон-ниёз хожи Юсуповнинг «Ҳотиралар», «Ёш хиваликлар тарихи» номи билан 2000 йилда Урганч шаҳри «Хоразм» нашриётига профессор М. Магниезов сўз боши ва муҳаррирлигида нашр этилган асарларда яқши баён қилинади. ХХСР жумладан Бобооҳун Салимов шахси ва унинг фаолияти ҳақидаги тадқиқотлар учун Полвонниёз хожи Юсуповнинг хотиралари асосий адабиёт бўлиб хизмат қилди.

«Маҳфий қолмасинким, назоратлар шўросида товарщи Измон-ловнинг иштироки билан мажлис қарор қилди. Москвага вакил юбормакка, бориб Россия шўролар жумҳурияти билан аҳднома қилиб келмакка. Музокарадан сўнг Бобооҳун эшонни хайъат раис қилиб, юбормакка қарор қилдилар!»⁴

РСФСР ва ХХСР ўртасида "Дўстлик", "Иқтисодий битим", "Ҳарбий шартнома" ларни имзолашда РСФСР ташки ишлар халқ комиссарин Уринбосари Лев Михайлович Коряхан Бобооҳун Салимов ва делегациянинг бошқа аъзоларини ёнига чақиртириб, тузлашмак

1 Ҳақ иттиб, 5-6-б.

2 Қозоқов Э. Хоразм Республикаси ҳукуматининг ислом дини ва ғуломчиликга нисбатан олинб борин сиёсати. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Урганч, 1996 й. 13 сентябрдаги шартномага мисолни ўртайиб, Бобооҳун Салимов хизматларини тилга олади; Саидов Ш. Хоразм халқ Совет Республикасининг ташқи муносабатлари (1920 – 1924 йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 2003 йил; Подволнов Н. Хоразмда иктимоний ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1920 – 1924 йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2005 йил.

3 Мурдошев И., Ўзбекистоннинг XX асрдаги давлат ва сиёсат арбоблари. – Т., «Зарқадлам», 2006; Ўзбекистоннинг аниқ тарихи. К.2. – Т., 2000; Қашмонов О., Подволнов Н., Хоразмдаги иктимоний-сиёсий ҳаракатлар ва ҳаракатлар (XX аср илмининг ёрми. –XX аср биринчи чораги). – Т., 2007; З.В.Резаевде, Д.А.Диниёзов, Хоразм в истории государственности Узбекистана, «Узбекистон филологиялари илмий кампания» нашриёти, – Тошкент, 2013.

4 Ҳақ иттиб, 221-бет.

икки томонлама шартномаларга Хоразм халқини подшо Россияси асоратига солган шартнома¹ шартларидан ҳам оғирроқ ўзгартиришлар киритилганини маълум қилди. Шундай шароитда Бобооҳун Салимов ўз халқининг ҳақиқий ватанпарвари эканлигини кўрсатди. «У хар бир иловани турли далиллар билан рад қилган эди» – деб қайд қилади П. Х. Юсупов.²

1920 йилнинг 13 сентябрдаги Дўстлик шартномасига кўра РСФСР ХХСРнинг мустақиллигини тан олди. Хива хонлигининг Подшо Рассияси билан тузилган асоратли шартномалари ва бимол-мулклари, ер, уй-жой, завод, фабрикалари Хоразм Республикасига топширилди. Мазкур шартномага мувофиқ РСФСР билан ХХСР ўртасида турли соҳалар бўйича бошқа битимлар ҳам имзоланди. Бу битимлар кейинчалик Хоразм Совет Республикасининг мулоффақойилиятини мустақамлаш, пахтачилик, ирригация, алоҳа, транспорт ва маорифни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши лозим чоғида Туркия, Эрон, Афғонистоннинг РСФСРдаги мухтор элчили ва консуллари билан учрашувлар ўтказди ҳамда музокаралар олиб борди. Бу учрашувларда Б. Салимов жонбозлик кўрсатиб, ХХСРнинг халқаро маъқени мустақамлашга ҳаракат қилди.

Мустақиллик йилларида ХХСРни ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан Незьмат Полвоновнинг "Хоразмда ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1920 – 1924 йиллар)" мавзусидаги диссертация ишида Ёш хиваликлар ҳаракатининг юзага келиши ҳамда ХХ аср бошларидаги хонлик тўғрисида ушбу олиб борилган курашларни ёритиб берган. Н.Полвонов ўз тадқиқотида Бобооҳун Салимов ҳақида туҳталиб: «Бу даврда эндигина улошиб келатган илғор фикрли кишилар уруш ва хон олиб бораётган сиёсатни қоралаб, унга қарши меҳнаткашлар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борди. Бу ишларни амалга оширишда Бобооҳун Салимов раҳбарлик қилди. У халқ орасида ва саройда Афандидёрхон олиб бораётган сиёсатнинг хатлолигини ошқора айтиб, хоннинг камчиликларини кўрсатиб бера олди. Бу унинг халқ орасидаги маъқенининг ошишига, уни қўлловчи кишиларнинг кўпайишига олиб келди. Унинг тарafdорлари кўп бўлганлиги учун ҳам хон уни маҳфий йўли билан ўлдиртириб юбориш ёқни жазолашдан кўрқар эди»³, – деб илмий ҳулоса берди.

1 1873 йил 12 августда Подшо Россияси Хивани забт этти, хонлигини яқин мустақамлашга айлантган шартнома назарда тутилмоқда.

2 Полвонниёз хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи / Маскул муҳаррир ва сўз боши илгари-фи профессор Магниезов М., Урганч, «Хоразм», 2000, 292-бет.

3 Полвонов Н. Хоразмда иктимоний ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1920 – 1924). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2005. 62 – 63 – баррақлар.

Бобооҳун Салимов халқининг бир бутун яқдил бўлиши учун ҳаракат қилган. Шундагина истиқлолга эришиш мумкинлигини туғри англаган моҳир сиекатчи-дипломат эди. Н.Полвонов шундай қайд қилади: «Мамлакатда кучайиб кетган ҳақсизлик ва жабр-зулмдан азоб чекаётган халқ турли беқлиқлардан хон ва унинг амалдорларидан шикоят қилиб, Бобооҳун қозикалон олди-та ўз вакилларини юбориб, ундан маслаҳат сўрашарди. Шундай жароёнда марҳум тузумга, хонга қарши хонлиқдаги барча миллат вакилларининг бирлигида кураши зарурлигини ҳис этган Бобооҳун қозикалон турли беқлиқлардаги норозилик ҳаракати раҳбарларини бирлигида курашишга чақирди. Чунки 1915 йилда (Қурбон Мамед сардор (Жуналидхон)¹ кўшинлари хон сарбозларнинг маълумиятга учратиб, генерал Гипнер воситачилигида битим тузган эди. Лекин мақсади Россия ҳуқуқронлигидан мустақил ҳокимият тузушни мақсад қилган Жуналидхон юрашнинг давом эттириётган эди. Албатта бундай вазиятда кучларни бирлаштириб, ҳаракат қилиш ҳар икки томон учун ҳам фойдалли эди. Ўрни Бобооҳун Салимов раҳнамолигидаги Ёш хивалиқлар ҳам куч билан мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишни мақсад қилиб кўйган эдилар. 1916 йил январь – февралда қонлиқда бўлиб ўтган кўзғолонда Бобооҳун Салимов айниқса туркман, ўзбек, қозок эҳолисининг бирлигида хонга қарши чиқишларини уюштириш, хибоба олинган кўзғолом раҳбарларини озоқ қилишда Жуналидхондан фойдаланиш ва уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамма-ти қатта бўлди. Лекин генерал Галкин бошлиқ жазо отряди келгач, хибобдан озоқ қилинган хўжайилиқ Авазбой, Муҳаммадбой, Исомиддин Эшон, туркманлик Худайберганбек, Кутлимурод иноқ, Оташ мироб қаби кўзғолом раҳбарлари осиб ўлдирилган.² Бу марғубият ва йўқотиш халқнинг умидини сўндирди. Кўпгина Ёш хивалиқлар тушқунлиққа берилдилар. Шундай шароитда ҳам Бобооҳун Салимов³ уларни озоқликка ишонч билан курашни давом эттиришга чақирди⁴, – деб марҳумот беради.

Икътидорли олим Н. Полвоновнинг тадқиқотида Хива хони Асфандиёрхон томонидан 1917 йил 5 апрелда имзоланган Манifest асосида чақирилган мажлиса биринчилардан бўлиб Ёш хивалиқлар ҳамшиша озоқлик ва тараққиёт тарафдори бўлган Бобооҳун Салимовнинг тақлиф қилинганлигини: «...аввалдан машҳур хурият-парвар уламо синфидан бўлган Бобооҳун қози Салимовхун эшон

ўғлини келтирмакка биродар Жуманиёз хожя Бобонкёз ўғлини юбордик. У бориб қози уламоларнинг тарафидан уни вақил қилиб олиб келдик.⁵ Мажлис ва Ноирилар кенгаши тузиш, унинг фаолиятини ташкил қилиш, ҳужжатларни ислом шарияти асосида бўлишини таъминлашда уламо сифатида Бобооҳун Салимов бошчилигида қилганлиги туғрисида илмий ҳулосалар беради. Бу ҳақда Полвоновийёз хожя Юсупов ўз «Хотиралар»ида шундай ёзади: «Ондан сўнг Бобооҳун эшон билан маслаҳат қилиб, тамоми Хоразм қалъаларига, ҳам Туркمانистон, Қозок, Қорақолпоқ истансадарига вақил сайлаб келмак учун хатлар юборилди.⁶ Жойларга юборилган кишилар халқ вакилларини сайлаб олиб келгач, Бобооҳун Салимов мажлис расилигига сайланди.⁷

Бундан ташқари Бобооҳун Салимов ва Хива хони Асфандиёрхон ўртасидаги низоларнинг янада кучайиб кетишининг сабаблари мажлис расилигидан истеъфода чиқишга мажбур бўлганлигини кўрсатади: «Мажлис томонидан амалга оширилган: Хонлиқдаги қирим-чқим дафтларини назорат қилиш, хон ва амалдорларга маош белгилаш, маориф, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги аҳолисини яхшилаш учун Россиядан мутахассислар тақлиф қилиш, милтиқ сўраб Тошкентга хайъат жўнатиш, туркманлар билан миллий муносабатларни яхшилаш кабиларни мажлисда кўриб чиқиб, тегишли қарорларни қабул қилишда Бобооҳун Салимов ва Ёш хивалиқларнинг хизматлари қатта бўлди. Бу ишлар Асфандиёрхон билан Бобооҳун қозикалон ўртасидаги низоини янада кучайтирди.

1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасида ўзаро тенглик, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланган эди.⁸ Ушбу шартноманинг тайёрланиши ва имзоланишида давлат арбоби, халқнинг жонқуяри, ватан истиқлоли фидойиси Бобооҳун Салимовнинг хизматлари қатта бўлди. Шу билан бирга ушбу шартнома РСФСРнинг Шарқ халқлари орасида о бўрўсининг олишига ҳам ёрдам берди. Чунки шу лйитгача ўз мустамлақаси бўлган давлатни бутун мустақил деб тан олиш эди. РСФСРнинг 1920 йил май-июль ойларида Хоразмдаги мухтор вақили А.Измайлов Иттифоқ шартномаси имзоланиши арафасида Москвага келиб, у билан танишгач «... бу шартномадаги сўзлар асло Хива халқи ва хукуматининг ёду – ҳаёлларида йўқ турур. Оларга бу тарикка кўп хуқуқ бермак лозим эмас. Бу тарика муҳим хуқуқлар ва ёрдамларида

1 Жуналидхон халқда бетфосил қират: Рамзобое Қ. Жуналидхон //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3 – том. Тошкент: ЁМЎ, 639 – 2002 й., Шу мўаллиф. Хоразмда истиқлол ва Жуналидхон //Жамият ва башарат, 1 №, 2000. – Б. 43 – 36.

2 Ўр. МДА. И – 125 – фонд, 1 – рўйхат, 609 – иш, 9 – аранкари; Юсупов П. Х. Қиратилган эсар. – 75 б.

3 Полвонов, Н. Хоразмда миллиий ҳаракатлар ... 64 – 65 – аранкари.

1 Ўр. МДА. И – 125 – фонд, 1 – рўйхат, 609 – иш, 20 – 21 – аранкари.

2 Юсупов П. Х. Қиратилган эсар. – 83 б.

3 Ўр. МДА. И – 125 – фонд, 1 – рўйхат, 609 – иш, 23 – аранкари.

4 Ўр. МДА. 72 – фонд, 1 – рўйхат, 6 – иш, 10 – 1 – аранкари; 72 – фонд, 1 – рўйхат, 5 – иш,

16 – 11 – аранкари; Истории Хоразмской Народной Советской Республики. Сборник документов. – Тошкент, 1976, 56 – 64 – бетлар.

таглаб қилмоқни Хоразм вақилларининг ўзлари топиб юрганлари маъхул», – деган эди.¹

Ўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Э. Рўвеладе ва Д. Алимова томонидан 2013 йили яратилган «Хоразм в истории государствности Узбекистана» китоби ўзбек давлатчилигининг ажралмас қисми бўлган Хоразм ҳудудинда эмбрион шахар – давлатларнинг юзата келишидан ХХСРнинг тулатилиши, гача бўлган давр Хоразм давлатчилиги тарихи архив хужжатлари, давр адабиётлари асосида очиб берилган. Ушбу китобда Бобооҳун Салимов тўғрисида ҳам тўхталиб, унинг шахси ва фаолияти тўғрисида маълумотлар учрайди.

ХХСР ташкил қилиниши ва фаолиятида Бобооҳун Салимов алоҳида ўрин эгаллаган. Хоразм Республикаси қисқа вақт ичида жаҳон бозорига чиқишга уриниб, Европа, Осиё мамлакатлари билан ташқи алоқалар олиб боришга интилаган. Хоразм Республикаси раҳбарияти совет ҳокимиятининг сиёсий, иқтисодий таъинқлари ва тўсиқларида қарамай, қисқа муддат ичида чет давлатлар билан самарали савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйганини ҳақида етарли тарихий маълумотлар маъжуд.

Бобооҳун Салимовнинг ўлдирлиши масаласи ҳам ўзининг етарли илмий асосига эга эмас. Тарихчилар Қ. Ҳасанов, Ж. Рахимов ва бошқа совет даври адабиётларида Бобооҳун Салимов босмачилар томонидан ўз уйида 1929 йил 10 май кунини қамаққабаниб, сўнг отиб ўлдирилганини қайд этилади. Бобооҳун Салимовнинг онқалсини совет ҳукумати ўз ғамхўрлиги остига олиб, 1936 йил 1 июндан бошлаб республика аҳамиятига молик пенсия тайинланганини маълум қилади.

Набиралари Комилжон эсдаликлари: Бобооҳун Салимовнинг ўлдирлиши юзасидан олиб борган изланишларим натижасида қуйидагилар аниқланди.² Бобооҳун Салимов бошчилигида 1920 йил 13 сентябрда имзоланган РСФСР билан ХХСР ўртасида ўзаро тенглик, дўстлик ва ҳамкорлик шартнома ХХСРни ярим мустамлака, хомша манбацага айлантирган, аммо 1922 йил 29 июнида тузилган шартнома асосида бекор қилинган. Бобооҳун Салимов умрининг охиригача бу шартномани тан олмаган. РСФСРнинг ХХСРдаги вақили Д. Назматов бошлиқ Хивада фаолият олиб борган тоғиллар тузум тарофдорларининг қаттиқ қаршичилига учраб, у 1925 йилдан давлат лавозимларидан четлатилган. У 1925 – 1929 йиллар давомида Амударё бўйидаги тўққайзорларда, Қорақум саҳросида қочиб жон сақлашга мажбур бўлган. Бобооҳун Салимов 1929 йилда Амударё бўйида отиб ўлдирилган. Ҳозирги Қорақалмоғистон Республикаси

1 Юсупов П.Х. Ёш кивалилар тарихи. – 288 – 6.

2 Бобооҳун Комилжон Содадиновнинг 1941 йилда туғилган. Бобооҳун Салимовнинг набираси Ўзбекистон Республикасида аниқланди. 2017 йил 2 декабрь.

публикаси Амударё тумани Эшонқалъа оғули (Йиқиртов), Қабри шу жойда. Бобооҳун Салимовдан беш ўғил, уч қиз қолди. Ўғиллари: Исомишдин, Собадиш, Абдулло, Ҳамиджон, Шўрўрullo Салимовлар. Қизлари: Ёлмуҳжон, Розияжон, Ҳадия Салимовалардир.

Совет ҳукумати Бобооҳун Салимовга хайрхоҳлигини, унинг босмачилар томонидан ўлдирилганлигини асослаш учун онқалсинга таъинқлик қилиб, пенсия тайинлаган. Ферзандларининг давлат юқори лавозимларида ишлаши жиноятни яшириш, айбони босмачиларга ағдарилш учун қилинган чора бўлган. Пенсия ва лавозимлар 1940 йилга бормаи бекор қилинган.

Бобооҳун Комилжон Содадинович (Бобооҳун Салимовнинг набираси) Бобооҳун Салимовнинг ўлдирлиши ҳақида: «Менга отам айтганди: 1929 йил 10 май кунини саҳар эрталаб 5 нафар милиция ходими Бобооҳун Салимовнинг вақтинча яшаб турган уйига келиб, уни отиб ташлаган. Бу воқеани ўша даврда ошқора айтиш тақикланган ва айблов «босмачилар»га юқланган. Шу тариқа, халқ хурлиги учун қурашаётган, тоталитар тузумга қарши бўлган Бобооҳун Салимов йўқ қилинган. Уни ҳақли равишда қатағон қурбонлари қаторига қўшиш мумкин.

Демак, хулоса чиқарган ҳолда, Бобооҳун Салимов шахсини чуқур ва ҳолис ўрганлиш, давлатчилишимиз ҳақида миллий истиқлолимиз учун қилган хизматларини таъқиқ қилиш тарихчилар олдидан турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки Бобооҳун Салимов синлари давлат арбобларининг қилган хизматлари ёшларда миллий турур, ватанпарварлик ҳиссининг рўчайишига хизмат қилади.

Айтгнш жоизки, хулосалар асосида қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

1. Бобооҳун Салимов, Муллабекжон Раҳмонберганов (Хоразмнинг машҳур маориф ислохотчиси), Жуманиёз Султонмуродов сингари давлат арбобларининг шахси ва фаолиятини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш эса давлатчилигимиз тарихини комплекс шакллантиришда асосий йўналиш бўлиб ҳиямат қилиши лозим. Зеро, уларнинг халқимиз олдидан қилган хизматлари беқийсдир.

2. XX аср тарихий сиймоларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ва янги Ўзбекистон тарихни яратишда назаримизда самарали интэрвья ҳақида сөзаки тарих методлари орқали йиғилган далиллардан фойдаланиш ўрнқилидир.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920-1924 йй.) ўзининг қисқа фаолияти давомида ёш совет ҳокимияти тобеллигига

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзулар

<i>К. Норматов</i> , Бош Қомусимиз – инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати кафолатидир.....	3
<i>Ж. Аҳмедов</i> , Қўқон жаҳон хунармандлари шахри	9

Илмий мақолалар

<i>А. Қодиров</i> , Жамият ривожланишида ягона молиявий баланснинг ўрни.....	13
<i>И. Мелиқўзиев</i> , Фильм яратиш тамойиллари: айрим усуллари ва ечимлари.....	23
<i>Х. Хидиров</i> , Ўзбек давлатчилигининг ривожда Термиз дарё портининг аҳамияти	31
<i>М. Тожибоев</i> , Туб бурилиш йилларида миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихий тараққиётининг юксалиш босқичлари	35
<i>Қ. Санақулов, Х. Раупов</i> . Илмий мактаб яратган олим. (Атоқли шарқшунос олим, академик Убайдулла Каримовнинг 100 йиллигига)	39
<i>Т. Жумаев</i> , Ўзбекистон ва Корея Республикаси: яқин ҳамкорлик ҳамда манфаатлар уйғунлиги	44

Тарих

<i>О. Арипджанов</i> , Бақтриянинг Кушон даврида суяктарошлик санъати тарихини ўрганиш.....	50
<i>Т. Пардаев</i> , 1960-1970 йилларда Ўзбекистон таълими тизимидаги айрим ўзгаришлар ва муаммолар (Жанубий вилоятлар мисолида)	58
<i>Н. Рахимов</i> , Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихида Бобоохун Салимовнинг ўрни.....	64
<i>М. Мухамедова, Р. Мурадова</i> . XX аср бошларида Ўзбекистонда ёдгорликларнинг ўрганилиши ва таъмирлашдаги тадқиқот жараёнлари.....	73